20«12»2022 yil. 328-1-22-MT/2022-son

# PUDRAT SHARTNOMASI

Кейинги ўринларда **"Буюртмачи"** деб юритиладиган **"Избоскан туман Мактабгача таълим булими"** директори **Н.Кобилова** бир томондан ва кейинги ўринларда **"Пудратчи"** деб юритиладиган **Обод юрт бунёдкори МЧЖ** номидан Низом асосида дирекори **Ш.Шодмонов** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**I. Шартнома мавзуси**

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича **"Избосккан туман № 13 мактабгача таълим ташкилоти"** объектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича **"Избоскан туман мактабгача таълим булими №13 ДМТТ "** объектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг карори **(2022 йил лот раками "2211001205855" электрон баённомаси)** билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **ККС билан 47038000.00 (Кирк етти миллион уттиз саккиз минг)** сўмни ташкил этади.

**III. Пудратчининг мажбуриятлари.**

4. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва **субпудратчилар** томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда **бажарилиши хамда** объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ **мулкий** жавоб беради.

**IV. Буюртмачининг мажбуриятлари**

5. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади.

Сканировано с CamScanner

## V. Ишларни бажариш муддати

6. Пудрат шартномаси амал қилиш муддати **2022 йил 31 декабрь.**

7. Пудратчи мазкур шартномага мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 28 кунни ташкил этади.

## VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу 14111400.00 (Ўн турт миллион бир юз ун бир минг турт юз) сўмни ташкил этади.

10. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

11. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VII. Ишларни бажариш

12. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

13. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

14. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

15. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

16. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

17. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

18. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

19. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

20. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлашиш схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

Сканировано с CamScanner

21. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

22. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

23. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

24. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

25. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

26. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

## VIII. Ишларини қўриқлаш

27. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

28. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

29. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

30. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

31. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

32. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

## XI. Кафолатлар

Сканировано с CamScanner

33. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиха хужжатлари хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларга мувофик бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиклигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килинишини;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

34. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг кабул килиб олиш тўгрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

35. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, уни бартарф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

36. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XII. Шартномани бекор қилиш

37. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

38. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

39. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

40. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

41. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

Сканировано с CamScanner

42. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

43. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

44. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этилмайди.

45. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у холда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида Пудратчидан жарима ундириш хуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.ё

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XIII. Низоларни хал этиш тартиби

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XIV. Алохида шартлар

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса хақиқий хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

Сканировано с CamScanner

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

57. Мазкур шартнома туман ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради

## XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

**“Буюртмачи “**

**Номи:“Избоскан туман МТБ”**
**Манзил: Пойтуг шахар Накшбанд куча**
**Ш/Х 10002286003214709110251024**
**ИНН : 305158448 МФО ; 92400**
**Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги**
**Банк:МБ ББ ХККМ Тошкент**
**Х/Р 23402000300100001010**
**МФО: 00014 ИНН : 201122919**

**МТБ мудири: Н.Кобилова**

**“Пудратчи”**

**Номи:"Обод юрт бунёдкори” М**
**Манзил: Избоскан т,Гузар МФ**
**Коинот кучаси 48 уй**
**Банк номи:Ипотека банк Истк**
**х/р: 20208000200862928001**
**СТИР:305443061 МФО:92400**
**Тел: +998 91 607 4581**

**Индекс:17071**

**Рахбар ________ Ш.Шодмонов**

OBOD YURT BUNYODKOR

| | | |
|---|---|---|
| | Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | MARVARID ARTIKOVA URINBOYEVNA |
| | Imzolangan sana | 20.12.2022 12:29 |
| | Hujjat kodi | **KX6173568880** |
| | Hulosa kodi | **PQ6454302638** |

Сканировано с CamScanner

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Хужжат коди: PQ6454302638

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

PQ6454302638

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **13 mtt**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "IZBOSKAN TUMANI MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 19.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Izboskan tumani yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**A.T.ZUXRIDINOV**

20.12.2022

Сканировано с CamScanner

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 205855 на приобретение Избоскан туман 13 МТТ да истиш тизимини мукаммал тамири учун

Способ проведения электронный

Дата 14.12.2022

Время рассмотрения 05.12.2022 12:29

Конкурсная комиссия Избоскан тумани мактабгача таълим бўлими (Марказлашган хисобхона), (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | QOBILOVA NAZIRA KAMARIDINOVNA | Мудира | Избоскан туман МТБ |
| **Секретарь комиссии** | QAMBAROVA RA'NOXON ISXAKJONOVNA | Шуба мудири | Избоскан МТБ |
| **Член комиссии** | XOJIMURODOVA NIGORAXON MUTALLIBOVNA | Шартнома мутахасиси | Избоскан туман МТБ |
| **Член комиссии** | MAXMUDOVA GULCHEXRA BAXODIROVNA | БОШ ХИСОБЧИ | Избоскан МТБ |
| **Член комиссии** | SHAMSIDDINOV AZIMJON G'OPIRJON O'G'LI | Мухандист | Исбоскан МТБ |
| **Член комиссии** | REJABOV SAYFULLO SHAXOBJONOVICH | мухандис | Избоскан туман МТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.12.2022 года № лота 205855.
Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Работы по капитальному ремонту отопления** |
| Подробное описание | Избоскан туман МТТ лар козонхоналари мукаммал тамирлаш ишлари учун |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | усл. ед |
| Цена товара (услуги) за единицу | 47 038 417.00 |
| Стартовая сумма | 47 038 417.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Пудратчи корхона тугрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи корхона тугрисида умумий маълумот (Гувохнома,низом,ишчи ходимлартугрисида маълумотлар)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO OBOD YURT BUNYODKOR** | 20 | хужжати бор | 20 | Экспертная | | |
| **ASL MEGA SHAMS MCHJ** | 20 | хужжати бор | 20 | Экспертная | | |

Сканировано с CamScanner

Критерий №2 Пудратчи банкротлик аломатлари мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчи банкротлик аломатлари мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OBOD YURT BUNYODKOR | 15 | хужжати бор | 10 | Экспертная | | |
| ASL MEGA SHAMS MCHJ | 15 | хужжати бор | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Курилиш пудрат ташкилотини сунги 3 йил давр мобайнидаги ухшаш объектларни башжарганлик юзасидан маълумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш пудрат ташкилотини сунги 3 йил давр мобайнидаги ухшаш объектларни башжарганлик юзасидан маълумоти

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OBOD YURT BUNYODKOR | 15 | хужжати бор | 15 | Экспертная | | |
| ASL MEGA SHAMS MCHJ | 15 | хужжати бор | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Пудратчининг ишларни муддатида бажаришда расмий холатда кафолат хати ,коррупцияга йул куймаслик тугрисида аризаси,солик дан карздорлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчининг ишларни муддатида бажаришда расмий холатда кафолат хати ,коррупцияга йул куймаслик тугрисида аризаси,солик дан карздорлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OBOD YURT BUNYODKOR | 20 | хужжати бор | 20 | Экспертная | | |
| ASL MEGA SHAMS MCHJ | 20 | хужжати бор | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Мавжуд техника, механизм ва асбоб ускуналар билан жихозланганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Мавжуд техника, механизм ва асбоб ускуналар билан жихозланганлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OBOD YURT BUNYODKOR | 15 | хужжати бор | 15 | Экспертная | | |
| ASL MEGA SHAMS MCHJ | 15 | хужжати бор | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 Охирги йиллардаги молиявий натижалари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Сканировано с CamScanner

Описание: Охирги йиллардаги молиявий натижалари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO OBOD YURT BUNYODKOR | 15 | хужжати бор | 15 | Экспертная | | |
| ASL MEGA SHAMS MCHJ | 15 | хужжати бор | 15 | Экспертная | | |

Финансовое значение

**Наименование товара: Работы по капитальному ремонту отопления**

| Ценовые предложения | | | | Порядок оценки ценовых предложений | |
|---|---|---|---|---|---|
| Наименование участника | Стартовая сумма (UZS) | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Итоговое значение ( UZS) |
| **OOO OBOD YURT BUNYODKOR** | 47 038 417.00 | 47 038 000.00 UZS | 47 038 000.00 | 00.00 | 47 038 000.00 |
| **ASL MEGA SHAMS MCHJ** | 47 038 417.00 | 47 038 400.00 UZS | 47 038 400.00 | 00.00 | 47 038 400.00 |

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 47 038 417.00 UZS

| Наименование участника | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO OBOD YURT BUNYODKOR** | 47 038 000.00 UZS | 47 038 000.00 | 00.00 | 00.00 | 47 038 000.00 | 13.12.2022 18:18:47 | 20 |
| **ASL MEGA SHAMS MCHJ** | 47 038 400.00 UZS | 47 038 400.00 | 00.00 | 00.00 | 47 038 400.00 | 14.12.2022 14:11:49 | 19.99983 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **OOO OBOD YURT BUNYODKOR** | 76 | 20 | 96 |
| **ASL MEGA SHAMS MCHJ** | 64 | 19.99983 | 83.99983 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 205855 от 14.12.2022 года на приобретение Избоскан туман 13 МТТ да истиш тизимини мукаммал тамири учун определила победителем:

OOO OBOD YURT BUNYODKOR
305443061

и резервный исполнитель: ASL MEGA SHAMS MCHJ ( 307181934 )

Проголосовали

Сканировано с CamScanner

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | QOBILOVA NAZIRA KAMARIDINOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | XOJIMURODOVA NIGORAXON MUTALLIBOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAXMUDOVA GULCHEXRA BAXODIROVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHAMSIDDINOV AZIMJON G'OPIRJON O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | REJABOV SAYFULLO SHAXOBJONOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Сканировано с CamScanner

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Избоскан тумани хокими ўринбосари
_________ Б.Қамбаров

Избоскан тумани дароматдан ортириб бажарилган хисобидан тадбирларини молиялаштириш бўйича
**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

| № | Қисқача мазмуни | Ҳақиқатда ажратилган* | Буюртмачи ташкилот |
|---|---|---|---|
| Жами | | 401 000 | х |
| 1 | Избоскан туман 8-мактабгача таълим муассасини хожатхона қуриш | 90 000 | Мактабгача таълим бўлими |
| 2 | Избоскан туман 42-мактабгача таълим муассасини хожатхона қуриш | 90 500 | Мактабгача таълим бўлими |
| 3 | Избоскан туман 4-мактабгача таълим муассасини истиш тизимини таъмирлаш | 27 000 | Мактабгача таълим бўлими |
| 4 | Избоскан туман 13-мактабгача таълим муассасини истиш тизимини таъмирлаш | 47 500 | Мактабгача таълим бўлими |
| 5 | Избоскан туман 51-мактабгача таълим муассасини истиш тизимини таъмирлаш | 27 000 | Мактабгача таълим бўлими |
| 6 | Избоскан туман 3-умумий ўрта таълим мактабининг иситиш тизимини таъмирлашга | 119 000 | Халқ таълим бўлими |

Избоскан туман молия бўлими мудури — Б.Ахмедов

Избоскан туман МТБ мудури — Н.Қобилова

Избоскан туман ХТБ ўринбосари — Д.Мусирмонқулов

Сканировано с CamScanner